## Целиноград шаҳрида 1985 йил 7 сентябрда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи кенгашида

# М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

(Боши биринчи бетда).

Ҳозир ҳосил учун курашнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди. Ҳам озиқ-овқат бўладиган, ҳам ем бўладиган донга эҳтиёжнинг қондирилиши кўп жиҳатдан Қозоғистоннинг, Сибирь ва Урал ўлкалари ҳамда областларининг ҳиссаси билан белгиланади. Шуни эътиборга олиб, КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат уларга катта ёрдам берди. Эндиги иш сизларга боғлиқ, ўртоқлар. Қозоғистон, Сибирь ва Урал областларининг партия ташкилотлари, меҳнаткашлари ўримни зўр ғайрат ва маҳорат билан ўтказиб, давлатнинг ғалла ресурсларига салмоқли ҳисса қўшиш билан мамлакатни қувонтирадилар, деб умид қиламиз.

Тюменда ёқилғи-энергетика комплексидаги ишларнинг аҳволи кўриб чиқилганидан кейин, биз бугун озиқ-овқат масалаларини муҳокама қилаётганимиз, чамаси, рамзий бир ҳолдир. Ёқилғи-энергетика комплексисиз ва озиқ-овқатсиз самарали экономика бўлиши мумкин эмас, халқ фаровонлигини, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини ошириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди.

Мустаҳкам озиқ-овқат базасини вужудга келтириш — умумпартия, умумхалқ вазифасидир. Марказий Комитетнинг апрель Пленуми бу хусусда: Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ҳеч кечиктириб бўлмайдиган иш, бу ишга алоҳида эътибор берилиши керак, деб аниқ, принципиал йўл-йўриқ берди.

Қишлоқ хўжалигининг, бутун агросаноат комплексининг ҳолатини анализ қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумига асосланиш керак, деб ўйлайман. Ўшандан бери орадан уч йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Биз Озиқ-овқат программаси, агросаноат комплексини ривожлантиришнинг етук проблемалари юзасидан бир қанча йирик қарорларни қабул қилиб, тўғри иш тутганлигимизни давр кўрсатди. Партия ишлаб чиққан тадбирларни амалга ошириш ҳамма соҳалар бўйлаб давом этмоқда. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги кенг кўламда модернизация қилинмоқда. Минерал ўғит ишлаб чиқариш кўрсаткичлари топшириқларга яқинлашиб қолди. Мелиорацияланган ерлар фонди анча кўпайди.

Қишлоқни социал жиҳатдан ўзгартириш ишларининг жуда катта миқёсларини алоҳида уқтириб ўтмоқчиман. Уй-жой бинолари, маданий-маиший объектлар, йўллар қурилиши кенгайтирилди. Мана шуларнинг ҳаммаси кадрларнинг қишлоқда мустаҳкам ўрнашиб қолиши учун қулай шарт-шароит яратди. Бирмунча юқори харид нархларини ва шу нархларга устамаларни белгилаш асосида колхоз ва совхозларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш юзасидан катта-катта тадбирлар амалга оширилганлиги уларнинг иқтисодий аҳволига ва хўжалик фаолияти натижаларига яхши таъсир ўтказмоқда. Хўжалик ҳисоби ва коллектив пудратининг жорий этилиши одамларнинг ишга муносабатига, меҳнатнинг натижаларига самарали таъсир қилмоқда.

Май Пленумидан кейинги ишимизга қисқача умумий якун ясаладиган бўлса, биз тўғри йўлни танлаб олдик, кўп нарсани ўргандик ва бир талай ишларни қилишга улгурдик, деб айтиш мумкин.

Умуман мамлакатда агросаноат комплексини ривожлантириш проблемаларига муносабат анча ўзгарганлиги ҳам муҳимдир. Қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантириш масалалари умумхалқ вазифаси деб қаралмоқда, қишлоқнинг буюртмалари, унинг талаб ва эҳтиёжлари эса диққат-марказда турибди, биринчи навбатда бажарилмоқда.

Хўш, мана шуларнинг ҳаммаси колхоз ва совхозларнинг, агросаноат комплексидаги бошқа корхона ва ташкилотларнинг фаолият натижаларига қандай таъсир қилди, умуман жамият қандай наф кўрди? — деган табиий бир савол туғилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажмига келганда, 1983—1984 йиллардаги якуний маълумотлар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш беш йилликнинг шундан аввалги икки йилига нисбатан 22 миллиард сўмлик миқдорда ёки 9 процент кўпайганини кўрсатиб турибди. Дон, картошка, қанд лавлаги, сабзавот ва мева ҳосили кўпайди. Шу йиллар мобайнида гўшт етиштириш йилига ўрта ҳисобда 9 процент, сут етиштириш 8 процент, тухум етиштириш 6 процент ортди. Шу йилги план бажарилишини ҳисобга олганда, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш 1982 йил даражасига нисбатан гўшт (тирик вазнда) 2,5 миллион тонна, сут 9,2 миллион тонна ва тухум 3,5 миллиард дона кўпаяди.

Шу йиллар мобайнида зарар кўрувчи хўжаликлар анча камайди, умуман колхоз-совхоз ишлаб чиқаришидаги рентабеллик даражаси эса ошди. 1983 йилда колхоз ва совхозларнинг соф фойдаси салкам 24 миллиард сўмга, рентабеллик даражаси қарийб 22 процентга етди. Об-ҳаво шароитлари жиҳатидан бирмунча мураккаброқ келган 1984 йил якунларига кўра бу фойда салкам 20 миллиард сўмни, ишлаб чиқариш рентабеллиги 18 процентни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайиши озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли жон бошига истеъмол қилишга ҳам таъсир этди. Бу йил аҳоли жон бошига гўшт ва балиқ истеъмол қилиш 78 килограммни, шу жумладан балиқ истеъмол қилиш 17,7 килограммни, сут истеъмол қилиш 318 килограммни, тухум истеъмол қилиш 260 донани, нон истеъмол қилиш 134 килограммни, картошка истеъмол қилиш 110, сабзавот ва полиз маҳсулотлари истеъмол қилиш 106, мева ва резавор мева истеъмол қилиш 46, қанд-шакар истеъмол қилиш салкам 45 килограммни ташкил этади.

Буни қандай баҳолаш мумкин? Биз озиқ-овқатнинг умумий калориялилиги жиҳатидан дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар даражасида турибмиз. Гўшт ва мевани аҳоли жон бошига истеъмол қилиш бизда ҳозирча айрим мамлакатлардаги даражадан пастроқ, белгиланган оқилона овқатланиш нормаларидан бир мунча озроқ. Шу нуқтаи назардан гўшт етиштириш Озиқ-овқат программасини бажаришдаги энг тиғиз жой бўлиб турибди. Бу соҳада биз орқада қоляпмиз.

Бошқа маҳсулотлар — сут, тухум, балиқ, қанд-шакар, сабзавот, картошкага келганда — уларни жон бошига истеъмол қилиш даражаси кўпгина мамлакатлардагига қараганда кам эмас, баъзи маҳсулотлар жиҳатидан юқорироқдир. Бу даража Озиқ-овқат программасининг режаларига баравар лашди ёки яқинлашиб қолди. Аҳолининг нон ва нон-булка маҳсулотлари хилларига бўлган эҳтиёжи таъминланмоқда.

Шундай бўлса ҳам аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш проблемаси ҳозирча тўла-тўкис ҳал этилгани йўқ. Бу маҳсулотлардан баъзиларига бўлган талаб таклиф қилинганидан ошиб кетмоқда. Бунинг сабаби шуки, бизда пул даромадлари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдан кўра тезроқ ошди. Айни вақтда асосий озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш чиқимлари гарчи кўпайиб бораётган бўлса ҳам, аммо уларга белгиланган давлат нархлари йигирма йил мобайнида деярли барқарор бўлиб турибди. Масалан, бизда гўшт магазинларда чиқимга нисбатан икки-уч баравар арзон нархда сотилмоқда. Ҳозир бу тафовут давлат дотацияси ҳисобига қопланмоқда, гўштнинг ўзи учун берилаётган дотация йилига қарийб 20 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Бу катта пул экани кўриниб турибди.

Мамлакатимизда асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан аҳолининг ҳамма табақалари бемалол баҳраманд бўлаётганлиги — бизнинг катта ютуғимиздир. Бироқ, шуни айтиш билан бирга, кўпгина совет кишиларини ташвишга солаётган гапни ҳам айтмасдан ўтиб бўлмайди. Марказий Комитетга меҳнаткашлардан тобора кўплаб тушаётган хатларда ишчилар ва деҳқонларнинг ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга сарфлаётган меҳнатига ҳурматсизлик билан қаралаётганлиги тўғрисидаги масала кўтарилмоқда.

«Нон — ҳаёт манбаи, бизнинг бойлигимиз, Ватаннинг кучи ва қудратидир, — деб ёзадилар Красноярск ўлкасидаги Маганск посёлкасидан Иванов ва Мангалов ўртоқлар. — Кўпинча нон ҳаддан ташқари исроф қилинмоқда. Бу проблема билан ниҳоят жиддийроқ шуғулланиш керак».

Иккинчи хат. «Бизда очлар йўқ, — деб ёзади москвалик ўртоқ Суханова. — Ахлат идишларига бутун-бутун оппоқ нонлар ташланмоқда. Умумий овқатланиш корхоналарининг чиқитлари билан чорвани боқиш мумкин».

Бундай хатлар кўп. Бу борада меҳнат коллективларида ҳам, марказий органларда ҳам ўйлаб кўриладиган ишлар борга ўхшайди. Очиғини айтганда, бу ҳақда ҳар бир оилада ҳам ўйламоқ керак. Нонга, бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига муносабатни кескин ўзгартириш — ҳаммамизнинг ишимиз.

Бироқ озиқ-овқат проблемасини ҳал этишдаги бош йўл — партиянинг, бутун халқнинг қишлоқ хўжалигини, умуман агросаноат комплексини янада ривожлантириш соҳасида сабот билан ишлашидан иборат эканлиги мутлақо равшан.

Шу билан бирга, ошиб бораётган моддий-техникавий ва иқтисодий имкониятлардан кўпгина областлар, ўлкалар ва республикаларда ҳали дуруст фойдаланилмаётганлигини кўрсатувчи бир талай мисоллар бор. Даромад манбаларини мўл ҳосилдан ва чорва маҳсулдорлигидан эмас, хўжаликни тежаб-тергаб юритишдан эмас, балки бюджетдан маблағ ва банкдан кредит олишдан излаётган ходимлар ҳали ҳам бор.

Ишдаги камчилик ва нуқсонлар қишлоқ хўжалигига ва аввало деҳқончиликка кўпроқ барқарорлик бахш этиш соҳасидаги тадбирларнинг натижадорлигига жиддий таъсир қилди. Бугун шу гапни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман: биз об-ҳавони ўзгартира олмаймиз. Йўл битта — конкрет, баъзан мураккаб шароитларда мўл ҳосил олишнинг энг самарали усуллари ва методларини қидириб топмоқ керак. Бу — агросаноат комплексидаги ишимизнинг энг муҳим проблемасидир.

Бу, айниқса, Сибирь ва Урал, Қозоғистон ўлка ва областлари учун ғоят муҳимдир. Деҳқончиликнинг беқарорлиги бу ердаги колхозлар ва совхозлар фаолиятининг натижаларига кучли таъсир қилмоқда. Беш йилликнинг тўрт йили давомида Қозоғистонда маҳсулотнинг кўпгина турлари бўйича план топшириқлари бажарилмади. Давлатга дон сотишда республика катта қарздор бўлиб қолди. Баъзи сифат кўрсаткичлари ёмонлашди, бир қанча районларда далаларнинг ҳосилдорлиги, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги пасайди.

Сўнгги йилларда РСФСРнинг Урал ва Сибирдаги кўпгина областларида дон етиштириш ва давлатга сотиш планлари мунтазам бажарилмаётир. Олтой ва Красноярск ўлкаларининг, Новосибирск, Оренбург, Курган, Челябинск областларининг колхоз ва совхозлари дон сотиш юзасидан тўрт йил ичида катта қарздор бўлиб қолдилар. Улар анчагина миқдордаги сут ва гўштни етказиб беролмадилар.

Дон етиштириш ва харид қилиш планларининг барбод этилиши мамлакат эҳтиёжларини қондиришда қийинчилик туғдирмоқда. Бу эса бизни донни четдан сотиб олишимизга, анчагина валюта ресурсларини сарфлашимизга мажбур қилмоқда. Биз эҳтиёжларимизни тўла қондириш учун дон етиштиришни тағин ҳам кўпайтириш вазифасини қўймоқдамиз. Мамлакат ғаллакор республикалари, ўлкалари ва областларининг колхоз ва совхозлари, партия, совет, хўжалик органлари ўз амалий ишларида ана шуни ҳисобга олишлари керак.

Конкрет нуқтаи назардан қараганда, бу нимани билдиради? Агар, энг муҳими тўғрисида гапирадиган бўлсак, об-ҳаво ҳар қандай ноқулай келган шароитда ҳам мамлакат камида 200 миллион тонна, нормал шароитларда эса 250 миллион тонна ва ундан ҳам кўпроқ дон олишга эришиши керак. Мен буни деҳқончилигимизнинг яқин йиллардаги стратегик вазифаси, деб айтган бўлур эдим!

Лекин дон проблемаси — бу донни йиғиштириб олишни кўпайтиришгина эмас, балки ундан оқилона фойдаланиш ҳамдир. Биз ем-хашак етиштиришдаги нуқсонларимизни дондан ем учун кўп миқдорда фойдаланиш билан қоплай олмаймиз. Бу номақбул, йўл қўйиб бўлмайдиган практикадир. Кўпгина районларда эса бундай практика илдиз олиб кетган. Проблеманинг ғоят муҳимлигини англаб етиб, уни ҳал қилиш йўлларини излаш лозим. Бу соҳада сабоқдан маълум хулоса чиқариб олинди: 1983—84 йилларда хашак ва ширали озуқа тайёрлаш планлари бажарилибгина қолмай, балки ошириб адо этилди. Бу эса концентрациялашган озуқани кам ҳажмда сарфлаган ҳолда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда янада юксак натижаларга эришишни таъминлаш учун шароит яратди. Шу боисдан колхоз ва совхозларда ем-хашак етиштириш билан худди дон етиштириш сингари шуғулланиш лозим. Бундан кам ҳам бўлмасин ва ёмон ҳам бўлмасин — бу тарозининг икки палласидир. Колхоз ва совхозларда фаннинг ҳозирги ютуқларидан ва тўпланган тажрибадан фойдаланиш асосида озуқабоп экинлар ҳосили учун, ем-хашак сифатини яхшилаш учун курашиш лозим.

Мен ҳатто сифат проблемаси биз учун биринчи ўринга қўйилиши керак, деб айтган бўлардим. Контрол тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатнинг кўпгина регионларида ем-хашак сифати пастлиги сабабли 20 процентдан 30 процентгача тўйимли моддалар исроф бўлмоқда. Бир қанча жойларда озуқа оқсили тақчиллигини тугатиш юзасидан суст иш олиб борилаётганлиги натижасида ем учун дон ортиқча сарфланиб юборилмоқда. Кўпгина хўжаликларда буни англаб етиб, оқсил проблемасини ҳал этишга актив киришдилар, бошқалар эса давлат ресурсларидан ёрдам олишга кўз тикмоқдалар. Оқсил проблемасини ҳал этаётганларни қўллаб-қувватлаш, бошқаларнинг тайёрга айёр бўлиш кайфиятларини қатъий қоралаш лозим.

Янги беш йиллик планлари тузилаётган ҳозирги пайтда ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳар бир районда, барча областлар, ўлкалар ва республикаларда гўшт ресурсларини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган проблемаларни пухта ўйлашлари муҳимдир. Бу ғоят муҳим вазифадир. Ўн биринчи беш йилликнинг тугалловчи йилида гўшт етиштириш 1980 йилга нисбатан сўйилган вазнда 2 миллион тонна кўпайиши кўзда тутилмоқда. Озиқ-овқат программаси кўрсаткичларига етиб олиш учун ўн иккинчи беш йилликда биз уни икки баравар кўпайтиришимиз лозим.

Умуман, дон, ем-хашак, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш вазифалари келгуси беш йилликда олдимизда жиддий ишлар турганлигидан далолат бермоқда. Агросаноат комплексининг барча ходимлари, аввало бизнинг раҳбар кадрларимиз буни яхши эсда тутишлари керак.

Белгиланган маррага қандай эришиш мумкин, бунинг учун бизда зарур шарт-шароитлар борми, деган савол туғилади. Баландпарвоз гап қилмай, ана шу саволга очиқ жавоб қайтарадиган бўлсак, Марказий Комитет номидан шуни равшан айтмоқчиманки, эндиликда бизда ана шундай имкониятлар ва ана шундай шароитлар мавжуддир. Минглаб колхоз ва совхозларнинг, бир қанча ўлкалар ва областларнинг Марказий Комитет май Пленумидан сўнгги йиллардаги ишлари бизда ана шунга ишонч ҳосил қилмоқда.

Ҳозирги вақтда олдимизда қишлоқ хўжалиги, умуман агросаноат комплекси ихтиёридаги ҳамма нарсалар юқори самара беришини таъминлашдек, биринчи даражали вазифа турибди. Қишлоқда фонд самарадорлиги даражаси пастлигича қолмоқда. Курган областида колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фондлари Марказий Комитет май Пленумидан кейинги икки йил ичида қарийб 13 процент кўпайди, ялпи маҳсулот ҳажми эса 12 процент камайиб кетди. Кустанай областида ҳам аҳвол ана шундай, бу ерда шу вақт ичида асосий ишлаб чиқариш фондлари 14 процент кўпайди, маҳсулот етиштириш эса камайиб кетди. Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистоннинг бошқа бир қанча областларида ҳам фонд билан таъминланиш даражаси сезиларли ошгани ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми камайиб кетишига йўл қўйилди.

Қишлоқда олдимизда турган амалий вазифаларнинг бутун занжирини ҳал этиш учун лозим бўлган асосий бўғин — бу колхоз, совхоз, агросаноат комплекси барча корхоналарида ишлаб чиқаришни ҳамда ходимларнинг меҳнатини ташкил этиш, юксак унум билан самарали ишлашнинг мавжуд тажрибасидан кенг фойдаланишдир. Бунда ҳамма нарса қўшимча капитал маблағга эмас, балки раҳбар кадрларнинг партия, совет ва хўжалик органларининг фаолиятига боғлиқдир.

Баъзи амалий масалалар хусусида батафсилроқ тўхталиб ўтишни истар эдим.

Биринчидан — янги илғор технологияларга, моддий ресурслардан фойдаланишнинг тағин ҳам самаралироқ формаларига дадилроқ ўтиш, моддий ресурсларни энг аввало улар энг кўп самара берадиган йўналишларга жамлаш керак. Биз келгуси беш йиллик давомида интенсив технология асосида донли экинлар етиштиришга алоҳида эътибор бермоғимиз керак.

Бу йил деярли 17 миллион гектар майдонда буғдой ва дон учун экилган маккажўхорининг деярли ҳаммаси интенсив технология асосида етиштирилмоқда. Об-ҳаво инжиқликларига қарамай, бу ерда мўл ҳосил етиштирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва ВАСХНИЛ маълумотларига қараганда, хўжаликлар катта-катта майдонларда гектаридан 40—50 центнердан — оддий технологиядагига нисбатан 15-20 центнер кўп дон олмоқдалар.

Янги технологиялар тобора мустаҳкам ўрин олмоқда. Жойлардан тушган таклифларга мувофиқ 1986 йил ҳосили учун 31 миллион гектардан кўпроқ майдонда донли экинлар, жумладан, деярли 4 миллион гектар майдонда маккажўхори интенсив технология асосида етиштирилади. Олдинги яхши технологиялар мавжудлигини ҳисобга олиб, биз яқин келажакда шундай технологияларни камида 60 миллион гектар майдонда қўлланишни кўзламоқдамиз. Гарантияланган юқори ҳосил олиш, барқарор дон етиштириш учун ўғит, техника, бошқа ресурсларни аввало шу жойларга жамлаш керак.

Лекин гап фақат шундагина эмас. Бугун биз олимлар билан қисқа учрашув ўтказдик. Ана шу суҳбатга якун ясаб, қуйидагиларни айтиш мумкин: ҳозирги босқичда далаларда технология интизомига риоя этиш энг муҳим масаладир. Қишлоқ хўжалигида ҳам худди, масалан, пўлат ёки чўян эритиш вақтидаги каби технология интизоми зарур. Пўлат эритиш вақтида озгина хато қилсанг ҳам металлнинг сифати бошқача бўлади. Биз далаларда ишнинг худди ана шундай босқичига етиб келдик. Интенсив технологияни қўлланиб, мумкин қадар кўпроқ самара олиш учун малакали кадрларга эга бўлишимиз лозим. Биз ҳамма жойда ҳам кадрларнинг яхши профессионал тайёргарлигига эришганмиз, деб айта олмаймиз.

Бизда кўплар ўзибўларчилик билан ишлашга ўрганиб қолишган: экин экишади, нима униб чиқса шуни ўриб олишади. Ҳамма иш шундан иборат. Интенсив технология жорий этилганда, бундай ишлаб бўлмайди. Экинларни парваришлаш вақтида деҳқон нозик жиҳатларни ҳисобга олиб, билимдонлик билан ишлаши керак. Шу сабабли кадрларни ўқитиш лозим, чуқур билим бўлмаса иш юришмайди. Муттасил юқори ҳосил олишнинг энг пухта йўли ана шундан иборат, ўртоқлар. Умумий кўрсатмалар бериш ва шиорларнинг вақти ўтиб кетди. Партия комитетлари жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу ишни ўзларининг доимий назоратларига олишлари, фан ва илғор практикага таяниб, интенсив технологияни ишлаб чиқаришга мумкин қадар кўпроқ жорий этишлари керак.

Иккинчидан, кўп жойларда деҳқончиликнинг илмий асосланган системаларидан ҳамон суст фойдаланилмоқда. Бундай системалар ҳозирги вақтда ҳар бир зона учун, аслини олганда ҳар бир хўжалик учун ишлаб чиқилган. Бу ер унумдорлигини оширишнинг муҳим омилидир. Бунда шуни ҳам ёдда тутиш кераккки, деҳқончилик системасининг ҳар қандай элементини менсимаслик ҳосил учун курашнинг бутун циклини бузади, ҳатто меҳнат ва маблағ сарфларини зое кетказади. Шудгор қилиб, дам бериб қўйилган ер тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Аниқроқ қилиб айтганда, ерга дам бериш масаласига муносабат ҳақида гапирмоқчиман. Эслаб кўринг-а, бир неча йил муқаддам ерга дам бериш зарурлиги ёки зарур эмаслиги, ҳақида ўткир баҳс борган эди. Пировардида, бу баҳсда илм-фан ҳамда илм-фан маълумотларига таянувчи нуқтаи назар ғолиб чиқди. Ҳозир бизда салкам 22 миллион гектар ерга дам беріляпти. Қозоғистон, Сибирь ва Уралнинг асосий ғаллакор районларида шудгорланадиган майдонларнинг 15-20 процентига дам бериб қўйилган.

Терентий Семенович Мальцев ҳозир шу ерда ўтирибди. У киши кези келганда, ҳамиша менга ерга дам беришни эслатар ва бу ишни охирига етказиш керак дер эди: Сибирь ва Қозоғистоннинг қўриқ ерлари шароитида дам берилган ерлар 20 процентдан кам бўлса, бу ишнинг бўлмагани яхши.

Биз ё шундай даражага чиқиб олдик, ёки унга яқинлашиб қолдик. Аммо бунинг натижалари жуда хилма-хил бўляпти, улар ўйлаб кўришни талаб қилади. Қурғоқчилик йилларида яхши тайёрланган ва тўғри ишлов берилиб, дам олдирилган ерлар дам берилмаган ерларга нисбатан икки-уч баравар юқори ҳосилни таъминлаётганлиги тўғрисида кўплаб мисол келтириш мумкин. Оғир келган йилларда бу айниқса кўзга ташланмоқда. Бу ерда дон сифати ҳам бошқа далалардагига нисбатан яхшироқ. Лекин ҳамма жойда ҳам иш ана шундай эмас. Омск, Саратов, Оренбург, Целиноград, Олтой ўлкаси каби йирик ғаллакор областларда ҳам дам берилган ерларнинг кенгайтирилиши ҳали ҳозиргача ялпи дон ҳосили етарли кўпайишини таъминламаяпти.

Бунинг сабаби нимада? Сабаби шундаки, ер дам беришга ажратиб қўйилди-ю, у ерда чинакам иш олиб борилмади. Бу янги масала эмас, биз бу ҳақда кўп марта гапирганмиз. Баъзи ҳолларда ерга вақтида дам берилмайди, бошқа жойларда унга ишлов берилмай, ерни ўт босиб кетади. Бизнинг район ва область агросаноат бирлашмаларимиз қаёққа қараяпти, мутахассисларимиз, зонал илмий тадқиқот институтларимиз қаёққа қараяпти? Энг муҳими эса, ўртоқлар, агроном бу аҳволга қандай қилиб хотиржам қараб туриши мумкин? Ер—дала мутахассиси, қонуншуноси бўлган агрономнинг жонажон иши, шон-шараф ва виждон ишидир!

Учинчидан, мамлакатимизнинг кескин континентал иқлими, қурғоқчилик тез-тез такрорланадиган конкрет шароитларида мелиорацияланган ерлар, аввало суғориладиган ерлар бўлмаса, барқарор қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини таъминлаш мумкин эмаслиги ҳаммамиз учун равшан.

Биз қишлоқ хўжалигини мелиорациялашнинг улкан программасини амалга ошира бориб, катта йўлни босиб ўтдик. Мелиорациялаш ишлари кўлами ҳозир ишлаб чиқилган ва қабул қилинган планлар асосида бундан кейин ҳам кенгайтирилаверади. Бизнинг бу қатъий йўлимиз КПСС Марказий Комитетининг ўтган йилги октябрь Пленумида яна бир бор тасдиқланди.

Шунга қарамай, ҳозирги пайтда биринчи навбатдаги вазифа — мелиорацияланган майдонларни кенгайтириш эмас, балки улардан самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат. Ана шу ерлардан олинаётган ҳосил мелиорациялаш учун сарфлаган харажатларимизга ҳам, мелиорация жиҳатидан яхшиланган ерларимиз имкониятларига ҳам мос келмаяпти. Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, ВАСХНИЛ аслини олганда бу кўнгилсиз ҳолларни фақат қайд этишяпти, холос. Бу масалалар хусусидаги кўрсатмалар етарлидир, бироқ юқорида номлари тилга олинган ташкилотларнинг раҳбарлари партия Марказий Комитети ва ҳукумат қарорларини бажариш учун партиявий масъулият билан иш олиб бормадилар.

Баъзан суғориладиган ер бўлса бас, ҳосил ўзи битаверади, деган мулоҳазаларни эшитиш мумкин. Биласизми, бу ашаддий экстенсивчилар мулоҳазасини эслатади. Ҳамма жойда йўл қўйиб бўлса ҳам, суғориладиган ерлардан фойдаланиш масалаларида ўзибўларчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Биринчи навбатда суғориладиган ва мелиорацияланган ерларда экинларни интенсив технология асосида парваришлашни таъминлаш лозим. Мелиорацияланган ерлар ҳолатини тубдан яхшилаш учун кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида ҳам жон куйдириш лозим. Ажратилаётган капитал маблағларни биринчи навбатда худди шундай жойларга йўналтириш керак. КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматнинг талаби ана шундайдир ва бу талаб оғишмай бажарилиши лозим.

Тўртинчидан, чорвачилик проблемалари тўғрисида гапирадиган бўлсак, муайян куч-ғайрат сарфланганига қарамай, фан-техника тараққиёти бу тармоққа ҳали тўла кириб келган эмаслигини эътироф этмоқ керак. Кўпгина раҳбар ходимлар, мутахассислар, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш проблемаларини ҳамон экстенсив омиллар ҳисобига ҳал қилишга уринмоқдалар.

Бир неча йил муқаддам биз чорва моллар сонини кўпайтиришни эмас, балки молларни сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулдорлигини оширишни асосий йўналиш деб олға сурганимизда, буни кўп одамлар яхши тушуниб етмадилар ва ҳатто ижирғаниб қўйдилар. Лекин бундай ёндашиш ўзини тўла оқлаётганлигини ҳаёт исботлади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси буни исботлади. Кейинги икки-уч йил ичида мамлакатда сигир ва бошқа чорва моллар туёғи аслида кўпаймаган, сигирлар ҳатто бирмунча камайган бир пайтда чорвачилик маҳсулоти етиштириш ва тайёрлаш гарчи тубдан бўлмаса ҳам, аммо муттасил ортиб борди.

Биз бундан буён ҳам асосий диққат-эътиборни чорва туёғини кўпайтиришга эмас, балки маҳсулот етиштиришнинг интенсив методларини қатъият билан жорий этишга қаратишимиз керак, чунки чорва туёғини кўпайтириш янги фермалар қуришга ва ходимларга кўплаб чиқим қилинишини талаб этади. Эҳтимол, ем-хашак етиштириш илдам суръатлар билан кўпайтирилган тақдирда, чорва туёғини ҳам кўпайтириш керак бўлган районлар ва ҳатто областлар ҳам бордир. Аммо асосий диққат-эътиборни чорвачиликни интенсивлашга қаратиш лозим.

Агар гўштга топшириладиган ҳар бир қорамолнинг вазни лоақал 50 килограмм оширилса, биз чорва туёғини кўпайтирмай туриб, тирик вазнда бир ярим миллион тонна гўштни қўшимча равишда олишимиз мумкин бўлади. Чорва туёғини кўпайтириш ҳисобига етиштирилган қўшимча гўштдан кўра бундай қилиш анча арзон ва тежамли бўлади. Акс ҳолда чорва туёғини қарийб 5 миллион бош кўпайтириш талаб қилинган бўлур эди.

Сут чорвачилигига ҳам ёндашишни ўзгартириш керак. Селекция-наслчилик иши, янги технологиялар, молларни балансланган боқиш туфайли очиладиган имкониятларни рўёбга чиқариш учун активроқ киришмоқ керак. Булар — юксак маҳсулдорликнинг энг асосий таркибий қисмларидир. Агар биз ҳозир мавжуд сигирларнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда уч минг килограмм сут оладиган бўлсак, сутни қаерга қўйишни билмай қолар эдик.

Чорвачиликни интенсивлаш, мол ва парранда маҳсулдорлигини ошириш Сибирь областлари ва ўлкалари ҳамда Қозоғистон учун актуалдир. Мана шунга зўр эътибор берилиши лозим.

Сўнгра М. С. Горбачев қишлоқ хўжалик маҳсулотини асраш ва қайта ишлаш проблемасига тўхталиб, уни ўн иккинчи беш йиллик учун энг муҳим вазифа деб таърифлади. Шу муносабат билан у қишлоқ хўжалик маҳсулотларини асраш ва қайта ишлашнинг моддий-техникавий базаси яратилиши учун масъул бўлган марказий идораларни ҳам, бу вазифани ҳал қилиш ресурсларини қидириши лозим бўлган маҳаллий партия ва совет органларини ҳам танқид қилиб, агросаноат комплексининг учинчи соҳаси тармоқларини, айниқса озиқ-овқат машинасозлигини илдамроқ ривожлантиришни таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Бу масалани ҳал этишда бошқа министрликлар ҳам қатнашишлари керак. Маҳаллий партия ва совет органлари мана шу энг муҳим давлат вазифасини амалга оширишга зўр беришлари ҳамда озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати корхоналарини, сабзавот базаларини модернизациялаш ва реконструкция қилиш, совитиш ускуналарини ишлаб чиқариш ва монтаж қилиш соҳасида жойларда конкрет қандай ишлар қилиш лозим ва мумкин эканлигини аниқлашлари керак.

Суҳбатдан фойдаланиб, тўла-тўкис сизларга боғлиқ бўлган масалалар борлигини уқтириб ўтмоқчиман, ўртоқлар. Жуда катта саноат потенциалига, ўнлаб қурилиш трестларига эга бўлган катта-катта шаҳарлар, область ва ўлка марказларида мева-сабзавот маҳсулотларини асраш ва реализация қилиш учун зарур қувватларни вужудга келтириш наҳотки проблема бўлса? Менга айтишларича, Целиноградда дала-магазин цикли яхши йўлга қўйилган. Бу — катта иш. Бундай қилинмаган жойларда эса қийинчиликлардан эмас, балки муҳим ишга беларволик билан қаралаётганидан ўнғайсизликлар келиб чиқмоқда. Буни бошқача баҳолаб бўлмайди, чунки гап одамларнинг кундалик эҳтиёжлари ҳақида, халқнинг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисида бормоқда.

Қурилиш министрликлари саноатнинг озиқ-овқат тармоқларидаги объектларни қуриш ва реконструкция қилишни орқага сурмасликларига эътиборни қаратмоқчиман. Қурувчилар бугунги гаплардан хулоса чиқариб оладилар, деб умид қиламиз.

Яна бир масала. Биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларда ўтказаётган технологик ва ташкилий қайта қуришлар илмий тадқиқот муассасаларимизнинг имкониятларини рўёбга чиқаришга ҳам янгича ёндашишни талаб қилади. Қишлоқ хўжалик фани бир талай иш қилди ва қилмоқда, албатта. Бу иш ҳаммага маълум. Аммо биз бугун эришилган натижалар билан қаноатлана олмаймиз.

Марказий Комитет фаннинг ўзини интенсивлаш вазифасини қўймоқда. Гап уни қишлоқдаги тараққиётни жадаллаштиришнинг ҳақиқий катализаторига айлантириш тўғрисида бормоқда. Бу соҳадаги асосий иш илмий тадқиқотларнинг даражаси ва натижадорлигини биринчи галда тубдан оширишга боғлиқ.

Ҳозир биз шундай босқичда яшаб турибмизки, энди фан-техника тараққиётининг, биология ва биотехнология актуал проблемаларига оид фундаментал ишларнинг энг муҳим соҳаларига янада асосли равишда киришиш лозим. Яқинда бу масала Сиёсий бюрода муҳокама этилиб, муфассал қарор қабул қилинди. Бу соҳадаги ютуқлар энг муҳим биология жараёнларининг интенсивлигини кескин ошириши мумкинлигини олимларнинг ишлари кўрсатиб турибди.

Фандаги илғор йўналишлар, замонавий методологик ва методик ёндашишлар селекция иши учун катта имкониятлар очмоқда. Генетика ва ҳужайра инженериясини қўлланиш деҳқончиликда касалликларга чидамли, қурғоқчиликка ва совуққа юксак даражада бардош берадиган, ҳар бир регионнинг табиий шароитларига мослашган навлар яратилишини анча тезлаштириши мумкин. Бу гап чорва ва паррандананинг янги, янада маҳсулдор зотларини етиштиришга ҳам тааллуқлидир.

Ҳозир қишлоқ хўжалигини илмий таъминлаш проблемалари шу даражага етиб бордики, улар илм-фаннинг турли соҳалари олимларининг кенг иштирокини талаб қилади. Бу ўринда мен СССР Фанлар академиясига мурожаат этиб, унинг ВАСХНИЛ ва агросаноат соҳасидаги бошқа илмий муассасалар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришини илтимос қилмоқчиман. Фундаментал фанни агросаноат комплексининг илмий муассасалари билан янада яқиндан бирлаштириш замирида аграр фаннинг савиясини ошириш ва унинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига таъсири самарадорлигини кучайтиришнинг катта резерви яшириниб ётибди.

Тадқиқотчиларнинг ютуқларини практикага жорий этиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш лозим. Бу ишнинг шакллари ҳар хил бўлиши мумкин. Бироқ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бу шакллар орасида энг оқилона шакл эканини тажриба кўрсатди. Бу нарса кўп йиллик тажрибада синаб кўрилди ва исботланди.

Биз ҳаммамиз агросаноат комплекси соҳасидаги вазифаларни тезроқ амалга ошириш зарурлигини жуда яхши тушуниб турибмиз, деди сўзини давом эттириб М. С. Горбачев. Бунинг учун зўр ташкилотчилик ва сиёсий иш талаб қилинишини ҳам ҳаммамиз яхши тушуниб турганлигимизга шубҳа қилмаймиз. Апрель Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиёти проблемалари юзасидан ўтказилган кенгаш материаллари ва партиянинг бошқа ҳужжатлари бу ишни қандай қилиб натижалироқ ўтказиш керак, деган саволга жавоб беради. Шу ҳужжатларда баён этилган ғоялар, йўл-йўриқлар ва хулосаларни сабот ва изчиллик билан турмушга татбиқ этиш керак.

Мамлакатнинг аграр секторида ташаббускорлик билан ишлаш лозим. Бу гап барча кадрларга — партия, совет, хўжалик, касаба союз кадрларига тегишлидир. Бу гап партиянинг барча бўғинларига тааллуқлидир.

Партия ташкилотларининг чуқур ўйлаб ташаббускорлик билан қиладиган иши ишлаб чиқаришнинг таг заминида яшириниб ётган резервларни кўтариш, қишлоқда барпо этилган ишлаб чиқариш-иқтисодий имкониятларининг ва кадрлар имкониятларининг юксак самарадорлигини таъминлашга йўл очади. Ҳозир айнан шу нарсага асосий эътиборни қаратмоқ керак. Шу муносабат билан қишлоқ район партия комитетларимизнинг роли ҳақида гапирмоқчиман. Ҳозир улар 3200 тага етди. Улар 49 мингтадан кўпроқ колхоз, совхоз партия ташкилотини бирлаштиради. Ҳозир қишлоқда олти ярим миллион коммунист бор. Бу — партиямиз составининг учдан бир қисмидан кўпроғи демакдир. Бундай куч билан, бундай авангард билан ҳам ишлаб чиқариш соҳасида, ҳам социал соҳада чинакам буюк ишлар қилиш мумкин. Партия Марказий Комитети партиямизнинг мана шу жуда муҳим бўғини фаолиятини юксак қадрлайди, партия комитетларининг партия сиёсий йўлини амалга оширишга ва жумладан Озиқ-овқат программасини бажаришга қўшаётган ҳиссасини қадрлайди.

Шу билан бирга баъзи бир мулоҳазаларни ҳам айтиш зарурати бор. Марказий Комитетнинг бўлимлари бир қанча область партия ташкилотларининг фаолиятини ўрганганида кўпгина район партия комитетлари ўз ишларини суст қайта қураётганликлари, баъзан партия комитети — сиёсий раҳбарлик органи эканини унутиб қўяётганликлари маълум бўлди.

Айрим райкомлар нотўғри услубга чалғиб кетмоқдалар. Баъзан партия комитетининг иш формалари ва методларини хўжалик органининг иш формалари ва методларидан фарқ қилиш қийин. Ҳамма жойда ҳам идеология ишининг савиясини оширишга эътибор берилмоқда, деб бўлмайди.

Кадрлар билан ишлаш — қишлоқ райкоми учун муҳим масала. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари — чиндан ҳам кадрларимизнинг олтин фондидир. Ҳар бир районда, ҳар бир область, ўлка, республикада хўжалик раҳбарлари кадрларнинг барқарор корпуси вужудга келиб, мустаҳкамланиши учун раислар ва директорларнинг оғир ишини юксак қадрлаш ва бу ишнинг обрўсини ошириш керак.

Пировардида М. С. Горбачев бундай деди:

Партиянинг навбатдаги съезди арафасида, янги беш йиллик бўсағасида бундай гурунг — кенгашнинг ўтказилиши мана шу йирик қишлоқ хўжалик регионигина учунгина эмас, бутун мамлакат, бутун халқимиз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу йил Қозоғистонда, Сибирь ва Уралда давлатга дон сотиш планларини муваффақиятли уддалаш ва мамлакатнинг озиқ-овқат ресурсларига салмоқли ҳисса қўшиш учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Бу — партиянинг навбатдаги XXVII съездига яхши совға бўлади. **(Давомли қарсаклар).**

